

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.Р.Облоқулова

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
магистратураси тингловчиси лейтенант*

Аннотация. Мақолада жамиятда хотин-қизларнинг ўрни, уларнинг ҳуқуқлари давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилинаётгани, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, таҳлиллар ҳамда амалга оширилаётган охириги ислохотлар ёритилган.

Калит сўзлар: Аёллар ҳуқуқлари, тазйиқ ва зўравонлик, тазйиқ турлари, аёллар дафтари, ҳимоя ордери, гендер тенглик, қонун, камситишлар, давлат дастурлари, камситишлар, тенглик, гендер зўравонлик.

Аннотация. В статье рассматривается роль женщин в обществе, защита их прав государством и обществом, нормативно-правовые документы, принятые государством и международными организациями в целях защиты прав женщин, проводится анализ и реализуемые в последнее время реформы.

Ключевые слова: Права женщин, угнетение и насилие, виды угнетения, женская тетрадь, охранный ордер, гендерное равенство, закон, дискриминация, государственные программы, дискриминация, равенство, гендерное насилие.

Abstract. The article discusses the role of women in society, the protection of their rights by the state and society, regulatory legal documents adopted by the state and international organizations to protect women's rights, analyzes, and recent reforms being implemented.

Key words: Women's rights, harassment and violence, types of harassment, women's notebook, protection order, gender equality, law, discrimination, government programs, discrimination, equality, gender violence.

Дунёда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларни таъминлаш, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, дахлсизлигини жинойий тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилишига қарамасдан, ҳар йили дунё аҳолиси миқёсида ҳар уч аёлдан бири жисмоний ёки жинсий зўравонлик қурбони бўлмоқда. 750 миллионга яқин қиз 18 ёшга етмай, турмушга чиқмоқда. Одам савдоси жабрланувчиларининг 71 фоизи-аёллар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (УНОДС) берган ҳисоботида кўра ҳар 10 дақиқада бир аёл зўравонлик қурбони бўлиб қолмоқда.²⁸

²⁸ <https://kun.uz/news/2018/11/26/dune-mikesida-ar-uc-aeldan-biri-zuravonlik-kurboni-bulmokda?q=%2Fnews%2F2018%2F11%2F26%2Fdune-mikesida-ar-uc-aeldan-biri-zuravonlik-kurboni-bulmokda>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг аёллар ва уларни қўллаб-қувватлаш уларни тазйиклардан ҳимоя қилиш тўғрисида таъкидлаганидек: «Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда»²⁹.

Ўзбекистон айни вақтда дунё ҳамжамиятида тез суръатларда гендер тенглик соҳасида дунёда энг тез ривожланаётган 5 та мамлакатлар қаторида қайд этилди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимизда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга туртки бўлди.³⁰

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майда “2023 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида” қарори қабул қилинди. Ушбу қарор доирасида республика миқёсида гендер тенглик юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тегишли органларга белгилаб берилди. Бу ислохотларнинг барчаси юртимизда аёлларни ҳимоя қилишга ва улар ҳам барча соҳаларда эркеклар билан тенг ҳуқуқли эканликларини қонуний кафолатларини янада мустаҳкамлади.³¹

Президентимиз ташаббуси билан ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, саводхон аёлларни ўзида бирлаштирган “Оқида аёллар” ҳаракати ташкил этилди. Аёлларнинг меҳнат қонунчилигидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “Аёллар кенгашлари” тузилди. Тадбиркор хотин-қизларни янада салмоғини ошириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, жорий йилда ушбу дастур доирасига 8 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Шу билан бир қаторда ипотека кредитлари бўйича аҳолига бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилди. Бундан ташқари аёлларни саводхонлик даражасини ошириш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди.

Ҳозирги тараққий этиб ривожланиб бораётган давлатларнинг аксариятида аёлларнинг ўрни ва роли сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Улар ўзларини жамиятнинг турли соҳаларида намоиш қилибгина қолмай, балки юқори

²⁹ Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Халқ сўзи – 2017. – 16 июнь.

³⁰ 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун

³¹ Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майда “2023 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида” қарори

лавозимларда ҳам фаолият олиб боришмоқда. Дунё аҳолисининг 50,7 фоизини аёллар ташкил этади. Юртимизда аёллар илм-фан, таълим, маданиятда 74 фоизини, соғлиқни сақлаш соҳасида 77 фоизини, саноатда 46 фоизини, қишлоқ хўжалигида 42 фоизини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 37 фоизини, 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 44 фоизини ташкил этмоқда. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, бугунги жадаллашиб кетаётган даврда аёллар ҳам ўз ўринларини йўқотмасдан аксинча мустақкамлаб келишмоқда.³²

Ҳар бир тараққий этаётган соҳа ва йўналишларнинг камчиликлари бўлгани сингари халқаро миқёсда аёлларга нисбатан содир этилаётган тазйиқ ва зўравонликлар рақамлари йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бу рақамларни камайтиришга қаратилган турли ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар, қонун лойиҳалари тайёрланиб, амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ оила-турмуш доирасида келишмовчиликлар оқибатида содир этилган жиноятлар таҳлил этилганда, таҳлил натижалари эри томонидан хотинига нисбатан содир этилган ҳолатлари 2021 йилга нисбатан 2022 йилда 11,3 фоизга, 2022 йилга нисбатан 2023 йилда фоизга ва 2023 йилга нисбатан 2024 йилда 3,8 фоизга камайишига эришилди. Бундай натижаларга эришишнинг асосий сабаблари ҳукуматимиз томонидан аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ва уларни давлат томонидан ҳимоя қилинишига қаратилган чора-тадбирлар ҳамда уларни ўз ҳуқуқларини талаб қилиш юзасидан ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган чора тадбирлардир.³³

Аёлларнинг ҳуқуқларини мустақкамлаш ва уларни турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”³⁴ ги қарорига мувофиқ “ҳимоя ордер”и жорий этилди. Ҳимоя ордери тазйиқларга учраган хотин-қизларга уларни ҳимоя қилиш мақсадида берилади ва улар алоҳида назорат ва эътиборга олиниши қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Жорий йил бошидан жами бўлиб аёлларга 41 924 та ҳимоя ордерлари берилди. Бу рақамларни янада синчиклаб таҳлил этадиган бўлсак, 2024 йилда оила-турмуш доирасида содир этилган тазйиқ ва зўравонликларнинг 60,3 фоизини руҳий зўравонлик, 25 фоизини турли кўринишдаги тазйиқлар, 14,1 фоизини жисмоний, 0,4 фоизини иқтисодий, 0,05

³² <https://daryo.uz/2024/01/21/ozbekistonda-davlat-boshqaruvi-va-mudofaa-tizimidagi-xodimlarning-27-foizdan-koprogini-ayollar-tashkil-etmoqda>

³³ <https://wcu.uz/oz/lists/view/618>

³⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

фоизини жинсий зўравонликлар ҳамда 0,14 фоизини турли хилдаги таъқиб этиш ҳолатлари ташкил этади.

Аёлларга нисбатан содир этилаётган турли кўринишдаги тазйиқ ва зўравонликларни бартараф этиш ва жавобгарлик масалалари юзасидан 2024 йил 21 октябрдаги ЎРҚ-978-сон “Олавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чораларини кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”³⁵ ги қонун қабул қилинди ва унга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126¹-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритди.

Аёлларни ижтимоий-иқтисодий тазйиқ ва зўравонлик қурбонларини бўлиб қолишларни олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”³⁶ ги қарорига мувофиқ “Аёллар дафтари” ташкил этилди. “Аёллар дафтари” да рўйхатга олинган аёллар ва уларнинг фарзандлари давлат томонидан ҳимояга олинганликлари, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши бу қарорнинг асосий жиҳатларини белгилаб беради.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларни олдини олишни самарали ташкил этиш борасида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Инсон сифатида, фуқаро сифатида юртимизда хотин-қизларга нисбатан жадал олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашимиз, уларни амалга оширишда фаол иштирок эттишимиз зарур. Хотин-қизларнинг салоҳиятини оширишга нисбатан амалга оширилаётган давлат дастурларига кенг қамровда аёлларни жалб этиш лозим.

2. Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир ишлаб чиқиляётган давлат дастурларини юртимизнинг энг чекки хонадонидаги аёлларга ҳам етказиш лозим.

3. Аёлларнинг дунёқараши ва ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган, оилада ўз ўрнини англашига ёрдам берадиган “Турмуш”, “Оилага тайёрлов”, “Юксак аёл” номли ўқув курсларини ташкил этиш ва ривожлантириш лозим.

4. Таълим муассасаларида жинсий таълим-тарбияга алоҳида эътибор бериш лозим. “Соғлом турмуш” дарсларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

5. Аёлларни турли соҳалардаги истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш ва намоёйиш этишлари юзасидан кенг жамоатчилик қамровида ташвиқот ишларини олиб бориш.

³⁵ 2024 йил 21 октябрдаги ЎРҚ-978-сон “Олавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чораларини кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонун

³⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори

6. ОАВ лар ёрдамида оиладаги тазйиқларни олдини олишга қаратилган кичик видеороликлар орқали тарғибот ишларини амалга ошириш.

7. Тазйиқ ва зўравонликлар қурбони бўлиб қолган аёллар доирасини аниқлаш ва улар билан биргаликда репродуктив психоневрологик дастурларни амалга ошириш. Уларда ҳаётга муҳаббат, уларнинг жамиятимиздаги муҳим ўринлари ҳақида давра суҳбатларини ташкил этиш.

8. Барча таълим муассасаларида, кенгашларда, жамики одамлар жамоа бўлиб фаолият юритадиган муассасаларида аёлларни тазйиқлардан ҳимоя қилиш тўғрисида давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказишга ҳаракат қилиш лозим.